



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 11 апрель, № 71 (7029) Чоршанба

Сайтимага ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Президент ташрифидан сўнг...

### Бўстоннинг янгиланаётган қиёфаси худуд аҳолисини беҳад қувонтирмоқда

Президентимиз 2017 йилнинг 6-7 июль кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида Янгиқўрғон туманидаги Бўстон маҳалласида бўлиб, бу ерда ижтимоий муҳит билан яқиндан танишган, худудни ободонлаштириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан бир қатор тавсия ҳамда топшириқлар берган эди. Хўш, ўтган даврда бу ерда қандай ишлар амалга оширилди?

Бугун маҳалла қиёфаси тубдан ўзгаргани, қисқа вақт ичида барпо этилган бири-бирдан гўзал ва шинам иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий иншоотлар киши эътиборини тортади. Масалан, маҳалла ўзининг замонавий биносига эга бўлди. Бу ерда одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш учун барча шароит яратилган. Ундан унумли фойдаланиб, одамларнинг долзарб масалалари жамоатчилик иштирокида ҳал этилмоқда. Жумладан, кам таъминланганлар рўйхатида киритилган 29 та оила-нинг иқтисодий аҳолини яхшилаш мақсадида уларга имтиёзли асосда кредитлар олиб берилди. Натижада улар қорамол ва парранда парвариши ҳамда иссиқхона хўжалиги билан шуғуллана бошладилар.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳам доимий эътиборда. Гап шундаки, бу ерда уларга мўлжалланган 10 та арзон уй-жой барпо этилди. Ана шу имконият натижа-сида 2-гурӯҳ ногирони Шохиста Муборақова ҳам ўз уйига эга бўлди. — Икки нафар фарзандим билан тор хонадонда яшаб келаятгандик, — дейди Шохиста опа. — Энди ша-ҳардагидан қолишмайдиган шароити мавжуд уйга эга-миз. Тураржойга кўчиб ки-риш арафасида менга тикув машинаси ҳам совға қилиш-ди. Бу рўзгоримга барака киритиш учун катта имко-ния, деганидир. Бизга кўрсатилаётган гамхўрлик-дан беҳад мамнунмиз. Яқингача фақат деҳқончи-лик ва боғдорчилик билан



шуғулланиб келган бўстон-ликлар ҳаётига сонаот ҳамда ишлаб чиқариш кириб кел-ди. Истиқболи порлоқ ма-ҳаллага эътибор қаратган тадбиркорлар томонидан бу ерда илгор тикув-трикотаж

корхонаси куриб битказил-ди. Наманган шаҳридаги "Art soft tex group" масъулияти чекланган жамияти ташаббу-си билан ташкил этилган унитар корхонада 120 нафар ёш иш бошлади. Фабрика

кунига 5 минг дон маҳсу-лот тайёрлаш қувватига эга. Рақобатдош либослар-нинг 90 фоизи экспорт қилинади. Эътиборли жиҳати, тадбиркорлик субъектининг фойдала-

нишга топширилиши бир қатор кўшни маҳалладаги-лар бандлигини таъмин-лашга ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

(Давоми 3-бетда).

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



### Тўртта қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор долзарб қонун лойиҳалари куйи палатанинг навбатдаги мажлиси муҳокамасига киритиш учун тайёрланмоқда.

Хусусан, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида Адлия ва-зирлиги томонидан Президентимизнинг "Аҳолига давлат хизмат-лари кўрсатишнинг мил-ли тизимини тубдан ислох қилиш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзе-бекистон Республикаси Адлия ва-зирлиги хузури-даги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"-ги қарори ижросини таъ-минлаш юзасидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини бирин-

(Давоми 3-бетда).

## «Халқ сўзи» минбари

Муфтий Альбир ҳазрат КРГАНОВ, Россия мусулмонлари диний жамоасининг раҳбари

### Ўзбекистон ислом маърифатини дунёга ёймоқда

Ўзбекистондаги қадимий шаҳарлар бугун буткул ўзгача шуқуҳга эга бўлиб, замонавий қиёфа касб этиб бораётир. Дунёнинг қайси қиёфасидан бўлмасин, дин-эътиқоди, миллат-ирқидан қатъи назар, Аллоҳнинг назари тушган бу юртга башариат аҳлининг ҳаваси келаятгани ҳам чин ҳақиқатдир.



муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатнинг қайси шаҳ-рига йўналиш тушмасин, у ерда улғу авлиёлар, буюк зотларнинг мақбараларини кўрасиз. Ўзбекистонда ўнлаб мадрасаю диний марказлар фаолият юритиб турибди. Айниқса, Бухородаги Мир Араб мадрасаси ва Тошкент ислом институти муқаддас Куръон оятлари, ҳадис илми, ислом тарихи ҳамда қўшимча диний фанларни чуқур ўрганиш, англашга бўлган кучли интилиш ва сай-ҳаракатлар билан аж-ралиб туради. Бу даргоҳлар-да Осиеъ ва Европанинг тур-ли мамлакатлари вакилла-ри бўлган қўлпаёт таникли диний уламолар, сийсий арбоблар таълим олган.

(Давоми 4-бетда).

### Ислохотлар самараси муҳокама этилиб, вазифалар белгиланди

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Раёсати йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Раёсат аъзолари — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кенгашлари раҳбарлари, кенгаш ижроия аппарати масъул ходимлари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этдилар.

#### Йиғилиш

Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги bosқичида аграр соҳани ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш-га устувор аҳамият қаратилмоқда. Чун-ки тупроқ-иқлим шароитимиз қишлоқ хўжалигининг барча тармогини ривож-лантириш, қўшимча даромад манба-ларини шакллантириш учун жуда қулай. Шу боис соҳадаги асосий куч — деҳқон-лар ва фермер хўжаликлари, томорқачи-лар ҳар томонлама қўллаб-қувватла-

ниб, амалиётга илғор технологиялар ҳамда илм-фан ютуқлари кенг жорий этилаётти. Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари-нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжали-ги экан майдонларидан самарали фой-даланиш тизимини тубдан такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги Фармони ҳамда 2017 йил 10 ок-тябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликла-

ри ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташки-лий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бунда муҳим омил бўлаётти. Қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизда 160 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият юритаётир. Улар bosқичма-bosқич кўп тармоқли хўжа-ликларга айлантириляптики, бу, ўз-набатида, фермерлар ўзлари етиш-тирган ноз-неъматларни замонавий технологиялар ёрдамида чуқур қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорга тайёр маҳсулотлар ҳолида чиқариш имкони-ни бераётти. Қишлоқ мулкдорларига яратиб берилаётган бундай шарт-шароитлар уларни транспорт, техник ва маиший хизматлар кўрсатиш жабхаларида ҳам истиқболли лойиҳа-ларга қўл уришга ундамоқда.

(Давоми 3-бетда).

#### Форум

### «Жаҳонда «Ўзбек ипаги» брендини яратишдек олижаноб мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишдан хурсандмиз»

Бухоро шаҳрида "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Италия ипакчилик ассоциацияси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон — Европа ипакчилик форуми" ташкил қилинди.

Президентимизнинг 2017 йил 29 март-даги "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фа-олиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада англо-иш-жараёнини бошлаб берди. Унга қўра, ипак

қурти уруғи ишлаб чиқариш ҳамда хом ашёни қайта ишлашга иқтисослаштирил-ган 60 дан зиёд корхоналар модерниза-ция қилинаётти. Натижада 2021 йилгача мамлакатимизда ипак ишлаб чиқариш

ҳажмининг икки, хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали ипак мато тайёрлашни эса қарийб саккиз баробар ошириш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## Қонун кучга кирди

### Давлат харидларини амалга оширишнинг очиқ ва шаффоф механизми

Мамлакатимизда давлат ва корпоратив харидлари механизмининг янада такомиллаштириш ҳамда тендер савдоларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича изчил ҳамда комплекс сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон савдолар жорий қилинди, Республика товар-хом ашё биржаси махсус ахборот портали яратилди, товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича, жумладан, инвестиция лойиҳалари доирасида кўп погонали идоралараро тендер комиссиялари тузилди.

Давлат харидлари тизимини да ахборот-коммуникация техноло-гияларини кенг жорий этиш ва тадбиркорлар учун электрон хар-ид қилиш имкониятини янада кенгайтириш борасида амалга

оширилаётган ислохотлар юсак самара бермоқда. Юртимизда бу муҳим механизмнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, соҳа-га оид 30 дан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилин-

ган ҳамда уларга ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Уз навбатида, давлат хариди қонунчилиги тизимининг бугунги ҳолати ва асосий йўналишлари, электрон давлат харидининг шу

жараёндаги шаффофлик ҳамда самарадорлигини таъминлаш, дав-лат бошқаруви тизими, иқтисо-дийёт ва ижтимоий соҳаларни ислох қилиш шароитида ресур-лардан оқилона фойдаланиш ме-ханизмларини ишлаб чиқиш ҳамда назорат қилишнинг замо-навий шакл ва услубларини жо-рий этиш амалдаги қонунчилик-ни такомиллаштиришни тақозо қилаётган эди. Ана шу ҳаётий за-руратдан келиб чиқиб, куни кеча

(Давоми 3-бетда).

### БИР-БИРИНИ СОҒИНГАН ИККИ ҚАРДОШ ЭЛ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев минтақада яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик муҳитини чуқур қарор топтириш, узок-яқин давлатлар билан тинчлик, дўстлик, ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга юксак эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон юритаётган мана шундай прагматик ташқи сиёсат бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этиляпти, қўллаб-қувватланаётти. Буни энг нуфузли халқаро анжуманларда, машҳур нашрлар, интернет порталларида, теле ва радиоканалларда таникли экспертларнинг юртимиз дунёга очилиб бораётгани, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим кўприк вазифасини ўтаётгани ҳақидаги эътирофларидан ҳам билиш мумкин.

Давлатимиз раҳба-рининг Туркманiston, Қозғистон, Россия, Жанубий Корея, Қирғизiston, Хитой, Туркия, Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифлари, ушбу мамлакатлар раҳбар-лари билан турли нуфузли анжуманлар доирасида ўтказган уч-рашувлари, мунтазам-лик касб этаётган ўзаро мулоқотлар ҳамкорлик алоқалари кўнайишига катта туртки бермоқда. Мамлакатимиздаги ислохотлар, хусусан, ташқи сиёсатимиздаги ёндашув қондошу жондош қўшнилари-миз, қардош ва ҳамкор давлатларда қандай кутиб олинаётгани ҳақида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" йўлланмаси билан рунки остида газеталаримизда туркум мақола ҳамда ре-портажлар бериб борилаётганидан яхши хабардорсиз. Ана шундай материалларнинг дастлабкилари Тожики-стон, Қирғизистонда ижодий сафарда бўлиб қайтган ҳамкасбларимиз томонидан тақдим қилинди. Куни кеча Россия пойтахти Москва шаҳридан махсус мухбиримиз юборган материал ҳам эътиборингизга ҳавола этилди.

Шу кунларда "Халқ сўзи" махсус мухбири Шавкат Ортиқов Туркия Республикасида хизмат сафарига бўлиб турибди. Ушбу мақола унинг илк таассуротлари, қардош халқ вакилларининг фикр-мулоҳазаларига асосланган.

### Халқ сўзи Народное слово йўлланмаси билан



# Сўзимиздан эмас, кўзимиздан тушунамиз

Туркияга йўл олишдан аввал Юртбошимизнинг 2017 йил 25-26 октябрь кунлари ушбу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви ёзилган видеотасвирларни қайта-қайта диққат билан томоша қилиб, очиги, икки етакчининг ўзаро хурмат-эҳтироми, бир-бирларига "дўстим, қардошим" дея мурожаат қилганликларидан кўнглим янада чексиз хаяжонга тўлди. Айниқса, ОАВ ходимлари билан учрашувда билдирилган самимий фикрлар алоҳида эътиборга лойиқ:


"Биз қардош ўлка сифатида Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланишини қўллаб-қувватлаймиз, — деди Режеп Таййип Эрдоғон. — Фикрларимиз ўзбек шоири Абдулла Ориповга тегишли қуйидаги сатрлар билан ифодаламоқчиман:

...Музаффар бўл, ғолиб бўл, ўқтам,  
Дўсту ёринг, қардошинг билан.  
Асрларнинг силсиласида  
Боқий тургай кошонанг сенинг"

Анжумандаги ушбу илиқ тафт давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларидан сўнг янада ҳарорат олди:

"Кўзларимиздан кўриниб турибдики, 20 йиллик мана шу танаффус... биз бир-биримизни жуда соғинганмиз. Туркия Президенти билан шундай суҳбат қилишимиз, бир-биримизни ярим сўздан эмас, гапирмасдан, кўзимиз билан тушунишимиз — бу кўп нарсани аниқлатади".

Дарҳақиқат, икки халқ вакиллари қувонч билан эътироф этаётганидек, Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғоннинг сиёсий иродаси, катъияти тўғрисида Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигида янги бир давр бошланди. Барча соҳада ҳамкорлик кенгайтириш учун замин яратилиб, ўзаро борди-келдилар кўпайди, қатор лойиҳаларни биргаликда ҳаётга татбиқ этишга киришилди.



# БИР-БИРИНИ СОҒИНГАН ИККИ ҚАРДОШ ЭЛ

## Дастлабки таассуротлар

...Режаляштирган материалларимизнинг аксарият қисми Туркиянинг расмий идоралари жойлашган Анқара шаҳридан тайёрланиши боис "Turkish Airlines" авиакомпаниясининг замонавий ҳаво лайнерида аввал шу томонга йўл олди. Самолётада мазкур мамлакат пойтахтига парвоз вақти Истанбул шаҳри орқали қарийб олти соатни ташкил этди. Бу ўнчалик кўп бўлмас-да, барибир одам зеркиши мумкин. Лекин туризм соҳасида катта таърибга эга давлат авиакомпанияси йўловчиларга манзилга зерикмай етиб олишлари учун қулайлик яратиш асосида мамлакат тасвири билан ҳам уринли йўлга қўйгани диққатни тортди. Гап шундаки, ҳаво лайнерида ҳар бир йўловчи ўзи учун алоҳида қўйилган монитор орқали Туркиянинг энг диққатга сазовор шаҳарлари, зиёрат, гастрономик, спорт ва туризмнинг бошқа йўналишлари ҳақида 5-10 дақиқалик видеоларни томоша қилиш имкониятига эга. Бу билан меҳмон ушбу давлат тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлади. Қолаверса, йўловчилар энг сўнгги янгиликларни матн шаклида қўйилган ёки дунёга машҳур ахборот узаутичи телеканалларни онлайн режимида томоша қилиб кетишлари мумкин. Фильмлар, мухомуз альбомлар, парвоз билан боғлиқ маълумотлар ҳам, табиийки, монитор дастуридан жой олган. Турки, ҳозир интернет анча ривожланган даврда бир-бир мамлакат ҳақида хабардор бўлиш қийин эмас. Лекин айнан парвоз вақтидан унумли фойдаланиб, хорижий йўловчиларга давлатингизни таништириш, видеолар билан тақдим этиш орқали уларнинг қизиқишини ортириш — бу ўзига хос усул ва ёндашувдир. Айтиш жоизки, бундай таърибга айни пайтда қўллаб-қўлловчи давлатлар қатори мамлакатимиз Миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўлга қўйилиб, тақомиллаштириб борилаётгани қувонarli ҳолдир.

Аксарият меҳмонхоналарда ушбу турдаги хизматларни учратар экансиз. Гоҳ-гоҳида ходимлар хонангизга телефон қилиб, мулоим оҳангда "Хижолатимиздан фойдаланишда қўнғалмайасизми?", "Бирор нарса керак эмасми?", "Соғинганимизда муаммо туғилса дарҳол хабар қилинг", дея илтифот кўрсатишди, ахборотингиздан хабардор бўлиб туришди. Бу ҳам эътиборнинг бир кўриниши, албатта.

## Хурмат-эҳтиром ва дўстлик ифодаси

Туркияга келган кўнимиз ҳафта сўнгига тўри келгани учун Анқаранинг диққатга сазовор жойларини кўриш, одамлари билан мулоқот қилиш, Ўзбекистонга боғлиқ хизматларни кузатиш имкони бўлди. Мамлакат пойтахтига ташриф бурган киши борки, албатта, Туркия Республикасининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк мангу кўним тоған Аниткабир ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди. Тақси ёллаб, ўша манзил томон йўл олди. Меҳмонхонадан тахминан 10 дақиқалик жой. Бу орада ҳайдовчи билан танишиб, қисқача суҳбатлашдик. Узини Хайдар Кутлуку деб таништирган такси бошқарувчисидан "Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?" дея сўрадим. — Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларини кўри аштанганман, — дейди у. — Узини асли Карс шаҳриданман. Ўша ерда яшайдиган яқин бир дўстим юртингизга сайёх сифатида борибди. Асосан, ўша гапириб берган.



Хозир ҳам Ўзбекистонни эслатсангиз, соғлаб мактапти. Очиги, шунинг учун жуда қизиқиб қолганман. Лекин ҳали имконим бўлмади боришга. Ниятим бор, бир кун барибир кўриб келаман. Эшитгандан кўра, ўзинг кўргангиз бошқача-да. Айтганча, бу ерда ўзбек ошхоналари кўп. Биз, турклар сизнинг таомларингизни жуда яхши кўраимиз. Ўша томонларга тез-тез миҳоз олиб бориб тураман. Вақтингиз бўлса, сиз ҳам бир бориңг. Бир зумда манзилга етиб келдик. Машинадан тушаётганимда, Хайдар "Саёхатингиз мазмунли ўтсин", деди. "Раҳмат. Ўзбекистон, албатта, бориңг!" дея унга ок йўл тиладим. Шу қисқа суҳ-

батимиз самимий кечганидан, такси ҳайдовчисининг маданиятидан кўнглимга илиқлик югурди.

Аниткабир ёдгорлик мажмуаси 750 минг квадрат метр ҳудудни эгаллаган бўлиб, мақбара, анжуманлар майдони, музей, боғ ва бошқа объектлардан таркиб топган. Бу ерда дунёнинг турли минтақаларидан зиёратчилар ташриф бурюди. Мажмуанинг ҳовлисидаги майдон 15 минг кишилик сийғимага эга. Унинг шундоққина ёнида 262 метрлик "Арслонли йўл" деб номланувчи йўлак қўрилган. Бу ерда 24 та шер иккитадан ёнма-ён қилиб, ётган ҳолатдаги кўринишда жойлаштирилган. Таъкидлашларича, ҳайкалларнинг ёнма-ён қўйилиши бирлик, ҳамжиҳатлик рамзи, унинг ётган ҳолатда жойлаштирилгани эса мазкур мамлакатнинг тинчликсеварлигини ифодалайди. Мажмуа музейида Отатурк ҳовлисидаги майдон, китоблар, автомобиллар, шунингдек, ўша даврга оид жиҳозлар, курул-аслаҳалар намуналари бор.

Туркияга келган юксак мартабали меҳмонлар ҳам ушбу мажмуани зиёрат қилишди. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили давлат ташрифи доирасида Аниткабир мажмуасида ҳам бўлиб, Мустафо Камол Отатурк хотирасига ҳурмат бажо келтирганди. Бу ердан чиқиб, шаҳарни, бир оз бўлса-да, яёв айланш истаги тўғилди. Сайр чоғида маҳаллий аҳолини яқиндан ўрганасиз, кўча-кўй, манзиллар ҳақида тасаввур ҳосил қиласиз. Дам олиш кўни бўлгани учун ташқарига одам камроқ. Баъзи кўп қаватли уйлар ҳовлисидаги

сўлим дам олиш масканларида китоб, газета ўқийтган, суҳбатлашаётган, жисмоний машқ қилаётган, фарзанди билан ўйнаётган, қисқаси, мазмунли ҳордиқ чиқараётган одамларга кўзингиз тўшади. Пойтахт бўлгани боис ҳар тарафда ва-

зирлик ва идоралар бинолари жойлашган. Йўлларнинг аксарияти тор. Қарангли, Чанқая туманининг Бахчели-эвлер маҳалласидаги бир кўчадан ўтаётиб "Taskent caddesi", яъни "Тошкент кўчаси" деган ёзув эътиборимни тортди. Бундай пайтда киши кўнглидан ўзгача хаяжон кечаркан. Кўча жуда чиroyли, тоза ва озода. Кейинроқ биллишимча, айнан Ўзбекистонга бўлган ҳурмат-эҳтиром, дўстлик ифодаси сифатида кўчага пойтахтимиз номи берилган экан. Туркиянинг яна бир машҳур шаҳри — Кўниё-да ҳам Тошкент тумани мажмуи

телерадиокомпанияси 14 та теле ва шунча радиоканалини бирлаштирган йирик медиакомпаниядир. Веб-сайти ва радиоканаллари орқали 41 тилда, жумладан, ўзбек тилида маълумот ва хабарлар тақдим этилади.



"TRT Haber" каналининг Хориж хабарлари бўлими бошлиғи Аҳмед Гўрмез юртимиз ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди:

## "Юртингиздаги жадал ислоҳотларни ёритиш биз учун муҳим"

Сафарингиз навбатдаги кунда "TRT" телерадиокомпаниясининг "TRT Haber" телеканалида бўлдик. Қисқача айтиб ўтиш кераки, "TRT"

— Ўзбекистонга сўнгги икки йил ичида икки бор бордим. Дастлабкисида мавзуд ҳолат билан яқиндан танишишга фурсат бўлмаганди. Аммо охирига сфарим давомида уч-тўрт кун қолиб, муносиб, яхши сиёсий, ташқи дунёга очилиш нуқтани назардан ислоҳотлар, ўзгаришлар ҳақида катта экранини кўрдим. Бошқача айтганда, мамлакатингиз ривожланишининг янги бир босқичига ўтган.

# "Ўғлимнинг ҳужжатларида туғилган жойи Тошкент, Ўзбекистон деб ёзилган"



Дарвоқе, ушбу мамлакатга сафар олдиндан Туркия Бош вазири девони ҳузуридики Матбуот ва ахборот бош бошқармаси ходими Режеп Карағўлу биз билан боғланиб, бу ердаги учрашувларни ташкиллаштириш, манзилларга боришда амалий ёрдам кўрсатишларини айтганди. Анқарада ўша инсон билан кўришдик. Пойтахт сайричи у билан давом эттирдик. Ўз навбатида, меҳмон ўзбек ошхоналарини кўрсатиш тақдирини ҳам билдирди. Йўл-йўлақай ҳамроҳим билан Ўзбекистон мен учун жудаям қадрили мамлакат, — дея гап бошлади у. — Юртингиздан кимдир Туркияга келишини аштанганман, ҳудди яқин бир инсоним ташриф буряётганидек беҳад қувонаман. Биласизми нимага? Мен 2000 — 2005 йилларда Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида матбуот котиби вазифасида фаолият юритганман. Беш йилим ўша ерда кечди. Шунинг учун Ўзбекистон мен учун Ватанимдек азиз. Қаердадир Ўзбекистоннинг номини аштанганман, у ҳақида қандайдир янгиликдан хабар топсам, ҳамма вақт қизиқаман. Нотўғри талқинларга қўшим тушса, дилим оғрийди. Одамни гурулантирадиган янгиликдан воқиф бўлсам, ўзбеклардек вахшланаман. Утган йилининг октябри ойида мамлакатингизга бориш на-сиб қилди. Жудаям севиндим.

Чунки яна Тошкентни, қадрдон чехраларни кўриш — таърифлаб бўлмас хис-туйғу бағишларкан одамга. Пойтахтингиз жуда тез суръатда ўзгарганига гувоҳ бўлдим. Қарийб 12 йилдан кейин кўрганим учун янгиликлар менга дарров сезилди. Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон-ни саложияти юксак мамлакат сифатида биламиз. Табиий за-хираларга бой, маданияти юксак, туризм имкониятлари кенг, Самарқанд, Бухоро, Хива каби ғўзал шаҳарлари бор давлат. Масалан, Бухорони олсак, бу тарихий максада бўлиш кишига ўзгача таассуротлар бағишлайди. У ерни шунча-ки кўриб қайтиш тўри келмайди. Бухорони биллиш, ҳис қилиш, яқиндан ўрганиш учун бир-икки кун қолиб, обдан кезиб, бошқача айтганда, ҳавосига тўйиш керак. Хива ҳам шундай. Ушбу шаҳарни бир марта бориб саё-хат қилдим. Қанийди, яна борсам, дейман. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳақида доимо тўлиб-тўшиб, тўлқинланиб гапирман.

Сизга айтсам, юртингиз билан боғлаб турадиган яна муҳим жиҳатлар кўп. Мамлакатингизга боришдан аввал фарзандимиз битта эди. Ўша ерда боғчага, мактабга катнади. 2001 йили Тошкентда иккинчи ўғлим дунёга келди. Турмуш уртоғим хомиладор вақтида қариндошларимиз телефон қилиб: "Туркияга қайт, фарзандинг шу ерда туғилсин", дейишди. Лекин унинг ўзи бунга кўмади. "Ўғлимиз Ўзбекистонда туғилишини хоҳлайман", деди. Шифоқорларга раҳмат. Жуда катта эътибор билан қарашди. Ўзбекистон билан бизни доимо боғлаб турадиган жиҳат бўлсин, деб фарзандимизга Жайхун, дея исм қўйдик. Унинг ҳужжатларида туғилган жойи Тошкент, Ўзбекистон деб ёзилган.

Хозир ўғлим юртингизни, ўзи дунёга келган Тошкентни бориб кўришни истайди. Албатта, боради. Бу борада муаммо йўқ. Гап шундаки, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан

Туркия фуқаролари учун ҳам Ўзбекистонда 30 кунлик мuddатга визасиз режим жорий қилинди.

— Айни мана шу энгилликни, умуман, Туркияда қандай қабул қилишди? Матбуот соҳаси вакили сифатида сиз одамларнинг таассуротини яхши биласиз? — сўраймиз Режеп Карағўлудан. — Табиийки, жуда катта хурсандчилик билан қўлиб олинди. Виза бўлмасда қандоқ яхши. Чиптангичи олсан, йўлга чиқсан. Югур-югур, ҳужжат тўрилла, деган ташвиш бўлмайди. Аксинча, расмиятчиликлар одамни беэҳтирдир ва бундай ҳолатда ту-шадиган кўпчилик сафарини давлат воз кечиб ҳам қўя қолади. Шунинг учун виза борасида энгиллик жуда муҳим. Энди бир ой давомида бемалол юриш мумкин. Туркияда Ўзбекистонга саёхат қилишни, Самарқанд, Бухоро, Хивани кўришни хоҳловчилар кўп. Борди-келдилар кўна-чайса, ҳамма миннатдор.

Сўхбатимиз кизгин давр экти. Машинада кетиб бора-канмиз, ҳамроҳим бу орада ша-



ҳарнинг диққатга сазовор жойларини таништиришни ҳам унутмасди. "Мана бу муз саройи, анави баскетбол мажмуаси, ҳов юқоридики иншоотлар тарихий қалъа... Анқаранинг энг кўркем қисмида Амир Темур боғи ҳам бор экан. Дарвоқе, 9 апрель кўни Ўзбекистоннинг Туркияда-

ги элчихонаси кўмағида мазкур жойда улуғ сохибқирон таваллудига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда юртимиз вакиллари, Туркияда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус кў-диллари катнашди. Амир Темурнинг буюк саркарда, давлат арбоби бўлгани ҳақида фикрлар билдирилди.

Биз Анқаранинг Кечўйрен туманига йўл олдик. Шаҳарнинг энг юқори нуқтасида, ёқимли шамол эсадиган, табиати ғўзал, ҳамма жой кафтедек кўрнанадиган манзилда "Эстергон қалъаси" мавзуд бўлиб, унинг ҳудудида музей, дўкан ва эътиборлиси, "Ozbek softasi" ("Ўзбек дастурхони"), "Samarkand softasi" ("Самарқанд дастурхони") номи билан юритилувчи иккита миллий ошхонамиз ишлаб турибди.

"Ўзбек дастурхони" дея ёзилган тамаддиҳонага кирганимизда ўзбек йигитлари очик чехра билан қўлиб олинди. Ўзбекча қўлиб янграб турибди. Заллар миллий услубда безатилган бўлиб, юртимиз кадриятлари, сомса, қозонкабоб, лағмон, хоним, деярли ҳамма турлари пиширилган. — Асосан, палов билан мангига талаб катта, — дейди ошпаз. — Бир кунда тахминан қанча кишига хизмат кўрсатасизлар? — 100 киши атрофида миҳоз келади. Талабдан келиб чиқиб, баъзи таомларимизни қисман ўзгартирганимиз. Масалан, ошини бир оз ёғсизроқ қилганимиз. Сомсани тандирда эмас, печда пиширилганини сўрашди. Умуман олганда, таомларимизга эътибор катта. Ана йиллардан бери келаятган миҳозларимиз ҳам бор. Ўзингиз фикрларини сўраб кўриңг.

Кўрпача солинган қаравотда оилавий ўтириб, шўрва ичаётган эътиборимизни тортди. Улардан безовта қилганимиз учун уэр сўраб, икки ойиз таасуротларини ўргандик. — Анқараданмиз. Бу ошхонага 10 йилдан бери келамиз, — дейди ўзини Айкут Байғар деб таништирган киши. — Илк бор бу ерга тасом ейтиш учун кирган вақтларимизда турмуш уртоғим Гўзде билан ҳали оила қурмаган пайтларимиз эди. Яхши хотирларимизни ёдга солди бу маскан. Мана, кўрпачасиз, хозир қизимиз бор. Бир ярим ёшда. Исми — Алья. Бизга ўзбек ошхонасидан ош ва шўрва жуда ёқадди. Бунақа лаззатни ҳамма жойда ҳам учратмайсиз. Албатта, бундай илик фикрлар одамга хуш ёқадди. Ушбу масканга туташ "Самарқанд дастурхони"даги муҳит ҳам таъсирли. Ўзбекча қўлиб, идишлар, ерга кўрпача солинган хоналар... Бир ёнда ўтов бор. Бу ердагиларнинг айтишича, кўни-кўнида 100 — 200 киши атрофида миҳозларга хизмат кўрсатишадди. Ош, сомса, манти — энг кўп сўралладиган таомлар сирасидан. — Биз ҳам оиламиз билан ўзбек таомларини соғинганимизда айнан шу ерга келамиз, — дея таъкидлади ҳамроҳим.

Юртингиз Туркия учун муҳим аҳамиятга эга давлатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги тараққиёт жараёнини, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган янгиликларини бу ердан туриб ҳам доимо катта қизиқиш билан кузатиб, томошабинларимиз, тинловчиларимиз, сайтимиз ўқувчиларига таништириб бораемиз.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатни жадал ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватловчи илгари сурмоқда. Ташқи сиёсатдаги прагматик ёндашув, ички салоҳиятдан фойдаланиш, аҳолига қўлайлик яратиш бўйича эзгу савий-харакатлар кўзга яққол ташланмоқда. Ёнг асосийси, ташаббуслар шунчаки айтилиб, қўлиб кетаётгани йўқ. Қўраямизки, мақсад қилинган ҳар бир иш амалий ижросини ҳам топаятди. Одамлар бунчи ҳис этмоқда. Ёнг муҳими, шу аслида.

"TRT" вакиллари Ўзбекистонга тез-тез бориб туришди. Ҳамкасбларимиз ҳам ҳаммиса яхши таассуротлар билан қайтишди. Қолаверса, Ўзбекистонда телерадиокомпаниясининг бўлими бери неча йилдан бери фаолият кўрсатади. У ердаги журналистларимиз, табиийки, ўзгаришларни биздан кўра яхшироқ ҳис этишади. Шунинг учун Ўзбекистон борганимизда вакилларимиз билан ўтириб, дилдан суҳбатлашдик. Улар ҳам жадал ислоҳотларни ҳайрат билан гапириб беришди. Мисол учун, соҳамиздан келиб чиқиб, янада эркин фаолият юритиш имкони яратилганини мамнуният билан таъкидлашди.

Юқоридики қайд этганимдек, Ўзбекистон ҳақида мунтазам хабарлар тайёрлаймиз. Ҳатто ўзбек ошхонасини таништирадиган маълумотлар бериб бораемиз. Яқинда "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Ана шу анжумандан сўнг Ўзбекистон бўйича иккита йўналишда хабар тайёрлаб, эфирда қўздик. Биринчиси, анжуман тафсилотлари хусусида бўлса, иккинчиси, "Ўзбекистонда қандай ўзгаришлар кузатилмоқда?" мазмундаги репортаж эди. Илик қўлиб олинди.

Очиги, Ўзбекистон ва Туркия муносабатларида бир оз танаффус бўлди. Бугун вазиет яхши томонга ўзгарди. Муносабатлар янги босқичга кўтарилмоқда. Энди вақтни бой бермай, биз, журналистлар ҳам қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз, ҳамкорлик ҳақида материаллар тайёрлашда фаоллик кўрсатишимиз лойиқ.

Шавкат ОРТИҚОВ,  
«Халқ сўзи» махсус мухбири,  
Туркия Республикаси,  
Анқара шаҳри

# Ислохотлар самараси муҳокама этилиб, вазибалар белгиланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Фермерлик ҳаракати бошланган даврлар билан ҳозиргисини таққосласак, ер билан осмонча фарқ бор, — дейди Ўзбекистон Қўрамон, фермер Анорбой Эшматов. — Ўзим фаолият юритаётган Жиззах вилояти мисолида айтсам, ерлар шўрланган, техникалар етишмас, экин парвариши пайтида эса сув тақчил бўларди. Секин-аста шу каби муаммолар ўз ечимини топди. Бугун деҳқон учун ҳамма шароит муҳайё қилинди. Унвдорлиги паст ерларга харидорғир, экспорттоб экинлар экишга руҳсат этилди. Пахта ва галланинг харид нархлари оширилиб, даромадимиз йил сайин кўпаймоқда.

Йилгилида аграр соҳадаги бугунги аҳвол таҳлил қилиниб, мавжуд экин майдонлари, айниқса, аҳоли томонидан самарали фойдаланиш, бунда кенгаширинг родини кучайтириш зарурлиги кайд этилди. Негаки, ички бозорни ноз-неъматлар билан тўлдириб, экспорт ҳажмини оширишда аҳоли иктивридаги 445 минг гектар томониданги роли катта. Утган йили ушбу майдонларда 4 миллион 684 минг тоннадан зиёдроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, 8 триллион 467 миллиард сўм даромад кўрилгани бунинг яққол далилидир.

Самд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳисоб-китобларга қараганда, томорқа ерларидан оқилона фойдаланиш, яъни тизимли сервис ва сотиш хизматларини таъминли йўлга қўйиш орқали озик-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 2 баробар кўпайтириш мумкин экан. Президентимиз ташаббуси билан барча туманларда «Томорқа хизмати» масъуляти чекланган жамияти ишга туширилаётгани ушбу мақсадга эришиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Сабаби, мазкур корхоналар орқали аҳолига уруғлик, минерал ўғит, кимёвий воситалар етказиб беришдан ташқари, механизация ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Йилгилида ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаширинг раиси Баҳодир Юсупов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири лавозимда ишлаб келаётган Ақтам Хайтов кенгаш раиси вазифасини бажарувчи этиб сайланди.

Йилгилида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов сўзга чиқди.

# Давлат харидларини амалга оширишнинг очик ва шаффоф механизми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат харидлари соҳасида давлат томонидан тартибга солишининг асосий мақсади нималарда кўринадиган? Давлатнинг стратегик мақсадлари ҳамда вазибаларига эришиш, ривожлантириш давлат дастурлари ижроси, давлатнинг ижтимоий вазибаларини бажариш, давлат хизматлари кўрсатиш, бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун давлат харидлари субъектларига қўлай муҳитни шакллантириш, давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга ва қонун ҳужжатларининг бошқача бузилишларига қарши курашиш унинг асосий мақсадларидандир.

Шу ўринда Қонуннинг мазмун-моҳияти, асосий ҳамда муҳим жиҳатлари хусусида ҳам тўхталиш жоиз. Аввало, унда давлат харидларига оид асосий тушунчалар ва давлат харидлари тизимининг ҳуқуқий жиҳатлари, асосий принциплари очиб берилган. Айни чоғда давлат харидлари субъектлари давлат буюртмачилари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари, давлат буюртмалари ижрочилари, харид комиссияси ҳамда махсус акборот тизими операторининг ҳуқуқий мақоми белгиланган.

Мазкур Қонуннинг муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган сифатида белгиланиб, унга давлат харидлари бўйича қатор ваколатлар берилди. Давлат харидлари тартиб-таомилларини амалга ошириш, режалаштириш, соҳа бўйича мониторинг ва шартнома тузилиши ҳамда ижро этилишини ўз ичига оладиган

давлат харидлари жараёнини қамраб олишга қаратилган тизимли ёндашиш шулар сирасига киради.

Қолаверса, Қонунда давлат харидлари бўйича танлов ва тендерларни ўтказиш мезонларининг аниқ белгилаб қўйилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда харид комиссияси фаолияти, танлов ҳамда тендер ўтказиш учун эълонлар, уларда қатнашиш учун тақлифлар бериш, уларни кўриб чиқиш натижаси бўйича шартномаларни тузиш тартиби ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, Қонунда давлат харидларида тadbirkorлик субъектлари учун энгилликлар ва уларни қўллаш, харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат ҳамда жамоатчилик назорати, шунингдек харидлар самарадорлигининг таҳлили орқали мазкур турдаги харидларни мониторинг ва назорат қилишнинг аҳамияти очиб берилган. Статистика ахборотини таққослаш ҳамда таҳлил этиш орқали амалга оширилаётган текширувлар давлат органларининг соҳадаги қонун ҳужжатларини бажариши устидан назорат қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Бу борадаги жамоатчилик назорати очиклик ва шаффофлик тамойилларига асосланади.

Умуман, мазкур Қонун билан белгиланаётган рақобат асосида давлат харидларини амалга оширишнинг очик ҳамда шаффоф механизми, бу борада тadbirkorлик субъектларига кенг йўл очилаётгани коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш орқали мамлакат иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади.

Муҳамед ДЖУМАГАЛДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

# Сенатор мушоҳадаси

## Замонавий шаҳарсозликнинг ҳуқуқий кафолати

Юртимиз йил сайин чирой очиб бораётир. Замонавий иншоотлар, кўприклар, маийш бинолар, мухташам иморатлар бунёд этилаётти. Албатта, ҳозир қурилиш масаласида эскича қараш — тўрт деворни тиклаган билан иш битмайди. Иморатларнинг қиёфаси, ландшафт дизайни, микроклими, қулайлик яратиши, узоқ муддат фойдаланишга яраши — барча-барчаси катта масъуляти талаб қиладиган юмушга айланмоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилингани муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз. Сабаби мазкур Фармон архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмининг жорий этиш, ҳудудларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, миллий ва халқаро андоза уйғунлигини таъминлаш, шаҳарларда мейморчилик иншоотларини сифат жиҳатидан тубдан такомиллаштиришга асос бўлади. Шунингдек, шаҳарсозлик услублари, норма ва қоидаларини кенг жорий қиладиган янги субъектларнинг инновацион

гоялар, ишланмалар ҳамда технологиялар билан шаҳарсозлик соҳасига кириб келишига тўққиллик қиладиган бир қатор тизимли муаммоларга ечим топишга ёрдам беради.

Ушбу ҳужжат соҳа ходимларига бир қатор имкониятлар яратиши билан бирга, янги тузилмаларнинг шакллантирилишида ҳам ҳуқуқий пойдевор вазибаларини ўтайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик тузилди. Қўмита ҳузуридаги Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси базасида вазирилик фаолиятини қўллаб-қувват-

лаш жамғармаси ташкил қилинди. Қурилиш соҳасида тегишли фаолият турларини лицензиялаш функцияси вазирилик ишбўйрига ўтказилди ва бўйича республика комиссияси ташкил этилиши белгиланди.

Фармоннинг аҳамиятли томонларидан яна бири шуки, вазирилик Ўзбекистон Республикасида архитектура ва қурилиш соҳасида ягона давлат сийбсатини амалга оширувчи орган сифатида ваколатга эга бўлди. Ушбу Фармон асосида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар ҳамда хориждаги шаҳарсозлик компанияларининг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш, ишга қабул қилиш имконияти берилди. Чунки соҳага хорижий технологияларни татбиқ этиш замонавий ва кўп қаватли объектларни жойлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қарорда лойиҳа-

лаштириш, қурилиш технологияларини жорий этиш ва бошқаришнинг янги усуллари, замонавий қурилиш технологияларини қўллаш бўйича илмий хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида архитектура соҳасида чет элдаги илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

Яхши биласиз, ҳозир юртимизда «Обод қишлоқ» дастури доирасида кўплаб қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Албатта, қишлоқлар қурилишида бугунги замонавий бунёдкорлик ишларидан яхши хабардор отук мутахассислар керак бўлади. Президентимизнинг мазкур қароридан айни жиҳат ҳам эътибордан четдан қолмагани диққатга сазовор. Яъни ҳудудий органларнинг таркибий тузилмаларига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, назорат инспектори, ҳуқуқшунос, акборот технологиялари бўйича мутахассис ўринлари ташкил этилди, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ҳамда қуриш бўйича мутахассислар сони кўпайтирилди. Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ҳамда шаҳар ва туман архитектура бўлимлари

фаолиятини мувофиқлаштириш каби бўлимлар янгида ташкил қилинди. Бу, фикримча, соҳани янада ривожлантиришда, ишни пишиқ-пuxта йўлга қўйишда халқчилуви омилардан бири бўлади.

Қисқача айтганда, юртимиз шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга туташ ҳудудларда муҳандислик-транспортта оид ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш, ландшафт дизайнини амалиётда қўллаш, миллий мейморчиликмизга асосланган ҳолда, халқий амалиётдан кенг фойдаланиш талаби қўйилаётганида катта ҳикмат, мақсад-муддогобор. Зеро, бугун давр талабига жавоб берадиган қурилиш-бунёдкорлик ишлари шаҳару қишлоқларимизга кўрғича кўрк қўйиши, халқимизга қулайлик яратиши, одамларимизнинг нафақат турмушини, айни пайтда уларнинг дунёқарошини ҳам ўзгаришга олиши керак.

Норкул СОДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

# Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## ТўРТТА ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қўмита ишчи гуруҳи йилгилида мазкур қонун лойиҳаси юзасидан сўзга чиқувчи масъул депутат белгилаб олинди ҳамда унинг муҳокамасига жалб этиладиган мутахассис ва

экспертлар гуруҳи шакллантирилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори иж-

роси юзасидан ишлаб чиқилган яна бир қонун лойиҳасини ҳам Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланмоқда.

Ушбу ҳужжат билан тўртта Қонунга, жумладан, «Инвестиция фаолияти

тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Бюджет ҳамда Бохжона кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ҳамда молиялаш-

тиришнинг янги тартибига амалдаги қонун ҳужжатларининг мувофиқлаштирилишини таъминлашдир.

Қўмита ушбу қонун лойиҳасини қуйи палатада кўриб чиқишда иштирок этиш учун экспертлар гуруҳини шакллантириб олди.

## Репродуктив саломатлик: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

«Аҳолининг репродуктив саломатлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, бу борада хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини таҳлил қилиш ва муҳокама этиш ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлашнинг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва халқаро тажриба» мавзусидаги давра суҳбати айнан шу жабҳага қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, шу жумладан, оналик, оталик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш устувор вазибалардан бири экани таъкидланди. Айни чоғда репродуктив саломатлиқни сақлашнинг ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш зарурати, ушбу соҳадаги ютуқ ҳамда муаммолар, республикада ёрдамчи репродуктив технологияларнинг қўлланиш амалиёти ва бу бора-

даги халқаро тажриба юзасидан қизгин фикр алмашилди.

Иштирокчилар фуқаролар соғлигини сақлаш сийбсатини амалга оширишда замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали тиббий кадрлар, шу жумладан, илмий даражага эга мутахассисларни тайёрлаш масаласи ниҳоятда долзарблигини қайд этишди. Айниқса, репродуктология, эмбриология, андрология йўналишларида хаттоки, оддий мутахассисга ҳам катта эҳтиёж сезилаётгани айтиб ўтилди.

Депутатлар мазкур муаммоларнинг ечим сифатида соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, давлат тиббиёт муассасалари билан бирга, хусусий секторни ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Яқунда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

# Бўстоннинг янгиланаётган қиёфаси

## худуд аҳолисини беҳад қувонтирмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Худудда барпо этилган «Бўстон» спорт мажмуаси ёшларнинг жисмоний баркамоллиги йўлида хизмат қиладиган мухташам маскан бўлади. Лойиҳа қиймати 1,7 миллиард сўмга тенг мажмуадан футбол, баскетбол, волейбол, гандбол учун мўлжал-

ланган ёпиқ спорт иншоотлари ўрин олган. Ушбу маскан дастлабки кунданок спорт иштиқомандлари билан тўлди. Бўстондаги бино ва иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши аҳоли учун байрамга айланди. Мазкур тантанамда иштирок этган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари бу ерда амалга оширилаётган

бунёдкорлик ишлари халқимиз турмуш даражасини юксалтириш, одамларнинг ҳаётдан розилигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Р. МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.



## «Жаҳонда «Ўзбек ипаги» брендини яратишдек олижаноб мақсад йўлида биргалиқда ҳаракат қилишдан хурсандимиз»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугун мамлакатимиздаги ўзгаришларни бутун дунё эътироф этмоқда, — дейди ФАОнинг Бош директори ўринбосари, Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича директори В. Раҳманин. — Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасига инновацион ёндашувлар юртингизда катта имконият мавжудлигини кўрсатмоқда. Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ипакчилик соҳасида ҳам бой тарих ва аъналарга эга. Биз жаҳонда

«Ўзбек ипаги» деган брендини яратишдек олижаноб мақсад йўлида ҳамкорлик қилишдан хурсандимиз.

Форум доирасида Европа ва Урта Осиё ипакчилик ассоциациясига асос солинди. «Ўзбекистон Республикаси ипакчилик секторига қўшилган қийматлар заنجирини такомиллаштириш ҳамда экспорт салоҳиятини кучайтириш: қишлоқ жойларда юқори қўшилган қиймат, янги иш ўринлари ва даромад манбаини яратиш» лойиҳаси қабул қилинди.

Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад ипакчилик самарадорлигини ошириш, ҳосилдорлигини юқори тут плантацияларини барпо этиш, ипак курти уруғи ишлаб чиқариш, пилла етиштириш, ундан экспорттоб маҳсулотлар тайёрлашдан иборатдир. Шунингдек, тадбирда вилоятда амалга оширилаётган янги лойиҳалар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Анжуман

## Боланинг бегонаси бўлмайди

Пойтахтимизда «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси томонидан Европа иттифоқи хомийлигида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш» лойиҳаси тақдироти ўтказилди. Унда вазирилик ҳамда идоралар вакиллари, давлат ва халқаро ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтлари ходимлари ва журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Нарбаева, «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси директори Гулназа Абидова, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн ҳамда бошқалар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий химоя қилишнинг қонуний асоси ва аниқ механизмлари яратилганини таъкидладилар.

«SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳа юртимиздаги муҳтож оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эртамиз эгаларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга йўналтирилгани билан эътиборлидир.

Мазкур лойиҳа Тошкент шаҳри, Самарқанд, Хоразм вилоятларида ўтказилади ва 5 мингдан ортиқ оилаларни ҳамда 15 мингга яқин болаларни қамраб олади.

Анжуманда унинг ҳаётий аҳамияти, амалга

ошириш механизмлари ва қутилаётган натижалар муҳокама қилинди. Шунингдек, жараёнда иштирок этувчи тренерларни тайёрлаш, махсус каскад тренинглари, ҳудудларга танишув сафарлари ўтказиш, пилот маҳаллаларда қўша гуруҳлар тузиш ҳамда уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди.

— Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббусини қўллаб-қувватлаганидан миннатдоримиз, — дейди Ўзбекистон Республикасидаги Европа иттифоқи делегацияси техник ҳамкорлик бўлими раҳбари Овидиу Мик. — Боланинг бегонаси бўлмайди. Европа иттифоқининг молиявий кўмагида амалга оширилаётган ушбу лойиҳада ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга гамҳўрлик кўрсатиш, уларни тиббий-психологик, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсад қилинган.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Хосон ПАЙЎЗОВ олган сурат.

Муфтий Альбир ҳазрат КРГАНОВ, Россия мусулмонлари диний жамоасининг раҳбари:

# Ўзбекистон ислом маърифатини дунёга ёймоқда

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Ул зотлар МДХ ва хориз давлатларида ислом маданиятининг замонавий дунёга хос ривожланишига катта улуш қўлган ва қўшиб келишмоқда. Таълим масканида ноб манбалар хазинаси мавжуд бўлиб, ундан жами 20 минг нуска асл қўлёзмалар ҳамда хат-тотлик санъати намуналари ўрин олган. Институтда ISESCO таълимнинг ислом цивилизациясини ўрганиш кафедраси муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Ишлар вазирининг ўринбосари Али Сулаймон ал Саид бошчилигидаги делегация эса мазкур даргоҳда икки мамлакат илмий-амалий ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилди. Бу муқаддас ўқув даргоҳига Россия мусулмонлари диний жамоаси ва жамоатчилик арбоблари делегациялари раҳбари сифатида, гоҳида шахсан ўзим бир неча марта бориш шарафига муюссар бўлганман. Менга у ердаги фахрий меҳмонлар китобини кўрсатишди. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг шу институтда бўлганида ёзиб қолдирган сўзлари орасидаги "айрим замонавий таълим йўналишлари, масалан, иктомий-диний психология фани Россиянинг диний олий ўқув юртиларида ҳам ўқутиши мумкин", деган эътирофи ҳар қандай кишида чўқур таассурот қолдиради, деб ўйлайман.

Диний эътиқод асослари ва ар-конларини ағалламай туриб, Аллоҳ сари юзланиш мушкул. Исломи қабул қилган халқлар учун бу дин пайдо бўлган пайдан бошлаб, ҳам қалбдан поканиш, ҳам маданий-маънавий юксалиш, ҳам таълим-тарбия ва давлатчиликни та-

ўтган асрнинг 70-йилларида собиқ иттифокдаги масжидларнинг имом-хатиблари малакасини ошириш курси мақомида иш бошлаган Тошкент ислом инсти-

ахлоқ-одоб соҳиблари бўлган, бунёдкорлик гоёларини тарғиб этувчи олимларни тарбиялаб берди. Чет давлатлардан ёлланиб келган жоҳиллар, вайронкор оқим вакиллари муқаддас диний нисби остида жаҳиятни парчалашга уринганида, айнан шу улуг асос туфайли биз жиддий синовлардан муваффақият билан ўтдик. Барчамиз яхши биланмики, уларнинг "иштакиси" ҳануз пайсагани йўқ. Муваффақият билан бўлган ҳам бўлиши мумкин, бундай имконият яқинда тақдим этилади ва бизнинг имомларимиз, талабаларимиз Ўзбекистон мадрасаларида таълим олиши, малака ошириш курсларига қатнаши мумкин бўлади. Ута аҳамиятли кадам сифатида шуни эътироф этмоқчимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муфтий Усмонхон Алимов

етақчилигидаги диний уламоларни қўллаб-қувватлади ҳамда Ўзбекистон Ислам академиясидан ташқари алоҳида йўналишлар — ҳадис, фикҳ, тариқат ва ақида бўйича яна тўртта ўқув юрти очиб ҳақида кўрсатма берди. Бу жуда ноб замонавий лойиҳа. Фикримча, ундан бунинг ислом оламига катта фойда ёғилади. Масалан, Болгария Ислам академияси ҳам шу соҳадаги ҳамкорлик қизиқчи билдирганидан хабарим бор.

Россия мусулмонлари диний жамоаси (РМДЖ) Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш мақсадида диний туризми ривожлантириб, Ўзбекистонга бормоқчи бўлган россияликлар учун янги имкониятлар очмоқда. Маълумки, ўзбек замири тарихий ва маънавий жаҳоирларимизни асраб-авайлаб келади. Лойиҳа — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўллаб-қувватланди. РМДЖ ва Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўтган йиллик имзоланган.

Шунингдек, РМДЖ билан Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги элчихонаси ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Илмий-диний делегацияларнинг Ўзро ташрифлари, Россия Федерацияси ҳудудида вақтинча яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Имзоланган битим доирасида 2018 йилги Рамазон ойида Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси Россияга ўз олимларини юборди. Мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасида маънавий, диний, илмий-амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Мақсад муқаддас динимизнинг азалий ва абадий кадриятлари йўлида хизмат қилиб, ўзаро дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашдир.

**“Айнан Ўзбекистон бизнинг мамлакатларимиз учун чинакам ватанпарвар инсонларни, мустаҳкам диний эътиқод ва гўзал ахлоқ-одоб соҳиблари бўлган, бунёдкорлик гоёларини тарғиб этувчи олимларни тарбиялаб берди.”**

раққий эттириш воситаси бўлиб келди. Тошкентдаги ислом институти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган буюқ муҳаддис ва муфассир олим Имом ал-Бухорий номи билан юритилади. Унинг "Саҳиҳ Бухорий" тўғрисида бунинг ислом оламида Курьондан кейинги иккинчи китоб, дея тан олинган. Шўро мафқураси ҳужм сурган даврда ислом дини камситилиб, диний билимлар анчайин ёддан

тути бугунги кунда ислом дини асослари, диншунослик, ислом тарихи ва фалсафаси, тиллар ҳамда бошқа фанлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаётди. Ушбу олий таълим мақсадида кенг миқёсда илмий фаолият олиб борилиб, халқаро ҳамкорлик, шу жумладан, Россия билан ҳам ўзаро муносабатлар мустаҳкамланмоқда. Россия ва Ўзбекистоннинг ди-

**NBU**  
O'ZMILLIYBANK  
**ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИДА ЭНГ ЯҚИН ҲАМКОР**

## Молия муассасаларида

Кичик бизнес шаклан ихчам бўлса-да, унинг иқтисодий ривож, аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини таъминлашдаги роли гоьтда катта. Шу боис мазкур соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ҳаракатига янада кенг йўл очиб бериш ислохотларнинг устувор йўналишига айланган. Бу борадаги ишлар, айниқса, Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида янада кенг қўлам касб этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ушбу жараённинг фаол иштирокчиси сифатида амалиётга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий ҳамда инновацион лойиҳаларини қулай, тезкор ва самарали молиялаштириш тизимларини жорий этиб келмоқда. Зеро, тадбиркорларнинг илгор гоь ҳамда ташаббусларининг рўёбга чиқиши молиявий ресурслар билан таъминланишига боғлиқ.

олиб борилаётган амалий ишлар туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 16 миллион доллар 20 та лойиҳага, Корея Эксимбанки кредит линиясидан 16,3 миллион доллар 3 та лойиҳага, Осие тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 11 миллион доллар 9 та лойиҳага йўналтирил-

- ✓ Кичик бизнес ривожига 2017 йилда чет эл кредит линиялари ҳисобидан 230 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.
- ✓ Банк сармоялари қишлоқ хўжалигига инновацияларни қўллаш имконини бермоқда.
- ✓ Чикиндиларни чуқур қайта ишлаш бўйича кластерлар ишга тушириляпти.
- ✓ Пахта-тўқимачилик кластерларида 2300 га яқин иш ўринлари яратилади.

ди. Бундан ташқари, Президентининг тегишли қарорлари асосида имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан ажратилган 52 миллион доллар озиқ-овқат, электротехника, энгил санаят тизимида жами 7 та замонавий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, 1117 та янги иш жойи очилди. "Ўзмилий-банк" ўз маблағлари ҳисобидан тадбиркорликнинг турли йўналишларидаги лойиҳаларини молиялаштириш учун 2017 йилда 3,3 триллион сўмлик, 2018 йилнинг дастлабки уч ойида эса 896 миллиард сўмлик кредитлар берилди.



лаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан, чикиндиларни йиғиш, ташвиш, утилизация қилиш ва уларни қайта ишлаш тизимида кластер усули қўлланилмоқда. Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида шундай мажмуалар қурилиши бошланди. Бунинг учун банк Хитой давлат тараққиёт банки линияси ҳисобидан 22,6 миллион АҚШ доллари, ўз маблағлари ҳисобидан эса 91 миллиард сўмликдан ортиқ кредит маблағлари ажратди. Ушбу маблағлар ҳисобидан чикиндиларни саралаш, қайта ишлаш асбоб-ускуналари, махсус техника воситалари сотиб олинди ҳамда қурилиш ишлари бажарилди. Натижада бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро вилоятида кластерлар тўлиқ ишга туширилиб, аҳолидан чикиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳалар ҳисобига 1000 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланиб, улар томонидан иккилам хом ашёдан маиший картон, кўмир брикети, пиролит, резина брусчатка, целлофан, маиший қоғоз, қайта ишланган шина каби махсулотлар ишлаб чиқариляпти.

Хизматлар лицензияланган.

Ана шундай инновацион лойиҳалар тўқимачилик саноатида ҳам амалга оширилмоқда. Гап шундаки, ҳозирги пайтда Навоий, Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерлари бунёд этилмоқда. Мазкур лойиҳаларга "Ўзмилий-банк"нинг жами 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида имтиёзли кредитлари ажратилди. Улар тўлиқ ишга туширилса, жами 2294 та янги иш ўрни яратилади.

Навоий вилоятида пахта хом ашёсини етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр махсулот шаклига келтириш бўйича барча жараёни ўз ичига олган "Baht textile" МЧЖга 33 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит берилди. Лойиҳа бўйича йилига 13 минг тоннага яқин калава ип ишлаб чиқарилади.

Президентимизнинг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 349 миллиард сўмлик кредитлари илгари хусусийлаштирилган бўлса-да, ҳали-ҳамон қурилиши тугалланмаган 146 та ишлаб чиқариш майдонларига йўналтирилган, улар негизда қўлга янги ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлди.

Айтиш жоизки, эркин иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатган тадбиркорлар банкнинг 43 миллион АҚШ долларилик, кичик саноат зоналари иштирокчилари эса 13 миллиард сўмлик кредитларидан баҳраманд бўлишди. Лунда қилиб айтганда, бугун банк кўмағидан ҳеч бир тадбиркор четда қолмапти. Ҳатто, инновацион лойиҳаларини амалга ошироқчи бўлган, аммо гаровга тақдим этишга ўз мулкларини етарли бўлмаган кичик бизнес субъектларига ҳам кредит маблағлари тақдим этиляпти. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағмармаси томонидан маълум миқдорда гаров ўрнига кафилик тақдим этилиши йўлга қўйилди.

Буларнинг барчаси "Ўзмилий-банк" янги инвестициявий ва инновацион гоёларни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг доимий ҳамкорига айланганидан яққол далоялдатди.

Бахтиёр КАЗИМОВ, «Ўзмилийбанк» кичик бизнес департаменти директори.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ**

қуйидаги мутахассисликлар бўйича вакант ўринларга танлов эълон қилади:

- музейшунос\*;
- исломшунос\*;
- манбашунос\*;
- кутубхоначи\*;
- архивариус\*;
- санъатшунос\*;
- IT-ходими, дастурчи\*;
- қўлёзма ва экспонатлар реставратори;
- каллиграф (араб ёзуви бўйича хаттот).

\* Номзодлар олий маълумотли бўлиши, камид битта Шарқ ва битта Фарб тилини мукамал билиши талаб этилади.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 150-61-82, (+99897) 714-02-00, (+99890) 355-55-06.

**«Ўзметкомбинат» АЖ**

2018 йил давомида хом ашё материаллари, жиҳозлар, ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Батафсил маълумот олиш учун сайт: [www.uzbeksteel.uz](http://www.uzbeksteel.uz)

Тақлифларни қуйидаги манзилга юбориш лозим: 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй. Алоқа учун телефонлар: (+99870) 214-20-99, 214-17-48, 214-14-33, 214-12-40. E-mail: info@uzbeksteel.uz

**Халқ сўзи Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нускада бошилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида бошилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Деоқхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳриратта келган кўеималар тақдим қилинмайди ва муаллафга қайтариляпти.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга тавсия қилинади.

Газета таҳриратта компьютер тарзда тарқатилади ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жаҳдатдан сифатдан чон этилишига "Шарқ" вазирийет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмақхона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров, Навбатчи — Д. Улмурадлов, Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашрийет-матбаа акциядорлик компанияси босмақхонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.05 Топширилди — 22.10 2 3 4 5 6